

Автомобиль йўллари қўмитасининг
2021 йил “21” июль даги
112 -сон буйруғига
1-илова

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2021-2023 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши юзасидан

НАЗОРАТ РЕЖАСИ

T/p	Дастурининг тегишли бандлари	Муддати	Амалга ошириш механизми	Ижро учун масъуллар
1	2	3	4	5
1.	10-банд. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги ва ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш	2021 йил август	Хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган маъруза, тадбир ва давра суҳбатларини ташкил этиш	Автомобиль йўллари қўмитасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат хайъати, Юридик бошқарма
2.	13-банд. Қўмита ва унинг тизим ташкилотларида хотин-қизларнинг кадрлар захирасини шакллантириш	2021 йил июль	1. Барча соҳаларда фаолият юритиб келаётган лидерлик хусусиятига эга бўлган ташаббускор, иқтидорли хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш. 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясини тамомлаган аёл кадрлар захирасини шакллантириш. 3. Раҳбар кадрлар захирасига киритилган иқтидорли хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат хизматини ривожлантириш	Автомобиль йўллари қўмитасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат хайъати, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят автомобиль йўллари бош бошқармалари

			агентлигига тақдим этиб бориш.	
3.	27-банд. Иш жойларида тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари олдини олиш, тазийқ ва зўравонлик қайд этилган оилаларни аниқлаш ва улар билан профилактик ишлар ўтказиш	2021 йил июль	1. Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик содир этилиш сабаблари, жумладан уларга замин яратадиган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2019 йил 17 декабрдаги 241-сонли буйруғи ижросини таъминлашга қаратилган маъруза ва давра суҳбатларини ташкил этиш. 2. Ходимларнинг оилаларида тазийқ ва зўравонлик қайд этилган ҳолатлари аниқланган ҳолатларда, мазкур оилалар билан профилактик ишлар ўтказиш.	Автомобиль йўллари қўмитасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат хайъати, Кадрлар бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят автомобиль йўллари бош бошқармалари
4.	28-банд. Оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда барча оила аъзоларининг масъуллигини ошириш бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштириш	2021-2022 йй.	1. Оилавий ҳаётга оид муаммолар, психологик, ҳуқуқий ва бошқа масалалар юзасидан хотин-қизлар ва эркаклар учун маслаҳатлар бериш тизимини такомиллаштириш. 2. Ёшларнинг ахлоқий негизларини бузишга олиб келадиган, оилавий кадриятларини инкор этадиган, ахлоқсизликни тарғиб қиладиган ғоялардан ҳимоя қилиш.	Автомобиль йўллари қўмитасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат хайъати, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят автомобиль йўллари бош бошқармалари